O'ZBEKISTON

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №



# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● E-mail: Info@xs.uz ● 2010 йил 17 март, № 52 (4967) Чоршанба

## ҚОЗОҒИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ЎЗБЕКИСТОНГА КЕЛДИ

***Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг таклифига биноан Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев 16 март куни расмий ташриф билан мамлакатимизга келди.***

Тошкент аэропортида олий мартабали меҳмонни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Шавкат Мирзиёев кутиб олди.

Ташрифнинг асосий воқеалари 17 март куни бўлиб ўтади. Ўзбекистон ва Қозоғистон раҳбарлари икки томонлама муносабатларга доир масалалар, ўзларини қизиқтирган минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик муаммолар юзасидан фикр алмашадилар.

Музокара якунида Ўзбекистон билан Қозоғистон ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантиришга қаратилган қатор икки томонлама ҳужжатларни имзолаш режалаштирилмоқда.

**(ЎзА).**

## ДОЛЗАРБ МАВЗУГА БАҒИШЛАНДИ

***Тинчликдан улуғ неъмат йўқ. Дунёдаги жамики тараққиётнинг, интилиш ва юксалишларнинг аввали тинчликдир. Хотиржам кўнгилдагина келажак ҳақида орзулар пайдо бўлади, осойишта уйгагина файз ва барака киради.***

**Парламент ҳаёти**

Шу туфайли Юртбошимиз ўтган йили Хотира ва қадрлаш кунида "Биз учун, юртимиз учун тинчлик ва осойишталик ҳамма нарсадан қадрлидир. Биз яқин ва узоқ қўшниларимиз билан тенг ва ўзаро ҳурматга асосланган сиёсатни, ўзаро манфаатли, дўстона алоқаларни давом эттиришни, нафақат бугунги авлод, балки келажак авлодимиз ҳам уруш балосини кўрмаслигини истаймиз", деган эди. Зеро, Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимизда бу борада мислсиз ишлар амалга оширилмоқда. Куни кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси ташаббуси билан Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида "Минтақада тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш бўйича Ўзбекистон ташаббуслари" мавзуида ўтказилган семинар ҳам ана шу саъй-ҳаракатларнинг бир кўринишидир.

Маълумки, давлатимиз раҳбари Олий Мажлис палаталари қўшма йиғилишида бутун дунёда юзага келаётган мураккаб геосиёсий шароитда мамлакатимизнинг хавфсизлиги ва барқарорлигини таъминлаш, муқаддас заминимизда ҳукм сураётган тинч-осойишта ҳаётни сақлаш каби масъулиятли ва кенг кўламли вазифалар ҳақида тўхталиб, "...Юртимизнинг, жондан азиз фарзандларимизнинг бугунги ва эртанги куни ана шу масалаларни қанчалик муваффақият билан ҳал этишимизга боғлиқдир", деган эдилар. Тадбир қатнашчилари ҳам асосий диққат-эътиборни Президентимиз нутқларида баён этилган вазифаларга қаратдилар. Жумладан, минтақада хавфсизликни таъминлашга доир масалалар юзасидан билдирган амалий таклиф ва ташаббуслари, мамлакатимизнинг афғон можаросини тинч йўл билан ҳал этиш ғоясининг аҳамияти, трансмиллий хавфлар бўлмиш терроризм, диний экстремизм ва наркобизнесга қарши кураш масалалари муҳокама қилинди.

Тадбирда қайд этилганидек, тинчлик ва барқарорликнинг ўрнатилиши минтақадаги хавфсизликка эришишнинг катта имкониятларини очиб беради ва бу бутун Марказий Осиё давлатлари ижтимоий-иқтисодий ривожига таъсир қилувчи муҳим кафолатдир.

— Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг айнан Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштириш тўғрисидаги қимматли фикрлари бутун дунёда ўз эътирофини топди, — дейди мазкур қўмита аъзоси Собир Турсунов. — Негаки, бу фикрлар асосида аниқ мазмун бор: мазкур муаммоларни фақатгина ҳарбий йўл билан ҳал қилиб бўлмайди. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, "Афғонистон халқини, унинг тарихини, маданиятини, диний-миллий қадриятларини топташ эмас, аксинча, ҳурмат қилиш йўли билангина турли миллат ва элатларни бири-бирига яқинлаштириш, у ерларда тинчлик ва барқарорлик ўрнатиш мумкин".

Дарҳақиқат, йиғилиш қатнашчиларининг асосий эътибори Марказий Осиёда тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш юзасидан Ўзбекистоннинг яна бир ташаббусига, яъни Афғонистонда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш мақсадида "6+2" гуруҳини "6+3" гуруҳига айлантириш ва гуруҳ ишида АҚШ, Россия ҳамда НАТО ташкилотининг иштироки муҳим аҳамият касб этиши ҳақидаги ташаббус халқаро жамоатчилик томонидан қўллаб-қувватланганлигига қаратилди.

Семинар ишида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари, тегишли вазирлик, давлат қўмиталари ва идоралари масъуллари, Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг профессор-ўқитувчилари, талабалари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

**Алишер БОЛИЕВ.**

### Қашқадарё вилояти:

## КЕЛАЖАГИМИЗНИНГ БАХТЛИ ВОРИСЛАРИ

***Мамлакатимизда Юртбошимиз раҳнамолигида ишлаб чиқилган Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг ҳаётга изчил татбиқ этилаётгани боис, барча шаҳар ва қишлоқларимизда бири-биридан кўркам ва замонавий касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар, мактаблар ва мактабгача таълим муассасалари қад ростламоқда.***

**2010 йил — Баркамол авлод йили**



**СУРАТДА:** 1-тоифали тарбиячи Гулондон Пирматова машғулот пайтида.

**Бахтиёр АКРАМОВ олган сурат.**

Бу борада Қашқадарё вилоятида олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар ҳам ўз самарасини бераяпти. Айниқса, "Шўртангазкимё" мажмуасига қарашли "Эркатой" болалар боғчаси барпо этилганлиги диққатга сазовордир. Айни пайтда бу ерда кимёгарларнинг 140 нафар фарзанди тарбияланаяпти. Энг муҳими, ота-оналар дилбандларининг ушбу таълим муассасасига қатнаётганидан ниҳоятда мамнун. Чунки ўтган йили қурилиб, фойдаланишга топширилган мазкур болалар боғчаси жажжиларнинг энг севимли масканига айланган.

— "Шўртангазкимё" мажмуаси томонидан шу лойиҳа асосида Нуристон шаҳарчасида 2 та, Қарши шаҳрида битта боғча қуриб битказилди, — дейди "Эркатой" болалар боғчаси услубчиси Лола Аминова. — Учала боғчада ҳам кимёгарларнинг фарзандлари тарбия топаяпти. Ўзимизнинг боғчамиз мисолида айтадиган бўлсак, дилбандларимизнинг жисмоний тарбия билан мунтазам шуғулланишлари учун спорт залимизда боғча ёшидаги болаларга мўлжалланган тренажёрлар, коптоклар ва бошқа спорт анжомлари мавжуд. Айниқса, жажжиларимизнинг бу ердаги ёпиқ бассейнда сузишни ўрганаётгани ҳавасингизни келтиради.

(Давоми 2-бетда).

### Енгил саноат:

## ЎЗАРО АЛОҚАЛАР МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

***Маълумки, бугунги кунда Ўзбекистон ва Жанубий Корея ўртасида ўрнатилган ҳамкорлик алоқалари натижасида барча соҳалар қаторида иқтисодий муносабатлар ҳам тобора мустаҳкамланиб бораётир. Юртимизда ушбу мамлакат вакиллари иштирокида 351 қўшма корхона фаолият юритаётгани, 2009 йилда ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 1,2 миллиард долларни ташкил этгани бунинг яққол далилидир.***

**Тадбир**

Дарҳақиқат, мамлакатимизда истиқлол йилларида бевосита Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган ислоҳотлар, хусусан, чет эл ишбилармонлари учун яратилган қулай инвестициявий муҳит мавжуд саноат корхоналарини модернизация қилиш, янги-янги қувватларни ишга тушириш имконини бераяпти. Бу жараёнда кореялик ишбилармонлар ҳам фаол иштирок этмоқдалар.

Айни пайтда биргина "Ўзбекенгилсаноат" давлат акциядорлик компанияси тизимида 200 га яқин корхона мавжуд бўлса, уларнинг 10 дан ортиғи Жанубий Корея инвестициялари иштирокидаги корхоналар эканлигини айтиб ўтиш кифоя. Ана шундай ҳамкорлик асосида фаолият юритаётган Бухоро вилоятидаги "Daewoo Textile Buxara", Андижон вилоятидаги "Миматош текстиль", Наманган вилоятидаги "Хайнтекс", Фарғона вилоятидаги "Daewoo textile Fergana" корхоналарининг маҳсулотлари эса нафақат ички, балки ташқи бозорда ҳам ўз харидорларини топиб улгургани, айниқса, эътиборга лойиқдир.

Жорий йилда тизимда кореялик ишбилармонлар билан яна иккита корхона ташкил этилиши режалаштирилган.

Таъкидлаш жоизки, бундай ижобий ўзгаришлар манфаатли ва самарали алоқаларни янада мустаҳкамлаши аниқ. Бу жараёнда эса ўзаро тажриба алмашиб бориш катта аҳамиятга эга.

(Давоми 2-бетда).

### Энергетика:

## ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАР МАЙДОНИ



***Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотлар туфайли энергетика тизимининг салоҳияти юксалиб, электр энергияси ишлаб чиқариш ҳажми йил сайин ошиб бормоқда.***

**Кўргазма**

2009 йилда рўёбга чиқарилган йирик лойиҳалар, айниқса, тизим ҳаётида сифат жиҳатидан янги даврни бошлаб берди. Бир неча кичик станцияни ўз ичига олган "Янги Ангрен — Ўзбекистон" ЛЭП-500 электр линияси ва "Ғузор — Сурхон" юқори вольтли электр узатиш линияси қурилиши якунлангани бунинг тасдиғидир. Натижада республикамизнинг ягона электр тизими вужудга келди.

Кеча пойтахтимиздаги "Ўзэкспомарказ" мажмуида иш бошлаган "Энергетика. Энергия тежамкорлиги. Электротехника — 2010" V халқаро ихтисослашган кўргазмаси тизимдаги бундай ўзгаришларни қамраб олгани боис соҳа мутахассисларида катта қизиқиш уйғотмоқда. Шу маънода, у ўзбек энергетикаси ютуқларининг ҳақиқий намойишига айланди.

(Давоми 2-бетда).

***Шу кунларда юртимизга барчамиз интизор бўлиб, орзиқиб кутадиган, янгиланиш ва яшариш айёми — Наврўзи олам ташриф буюрмоқда. Бу онларда она-заминимиз ям-яшил либосга бурканиб, ўзининг бетакрор кўрку тароватини намоён этади. Фасллар келинчаги — баҳорнинг ана шундай фусункор дамларида Истиқлолнинг бебаҳо неъматларидан баҳраманд бўлаётганимиз, осмонимиз мусаффолиги, тинчлик-омонликда фаровон ҳаёт кечираётганимиз учун шукроналар айтамиз.***

## НАВРЎЗ ШОДИЁНАЛАРИ

### пойтахтимиздаги Алишер Навоий номли Ўзбекистон миллий боғида бўлиб ўтади

**Тараддуд**

Аждодларимиз бу байрам кунини белгилашда нафақат кун ва тун тенглигига, балки шу санадан бошлаб кунлар узайишига алоҳида эътибор қаратганлар. Чунки баҳор фаслида инсон кўнглида эзгулик иштиёқи, меҳр-оқибат, саховат каби ёруғ туйғулар жўш уради. Миллий чолғуларимиз — карнай-сурнай ва ноғора садолари эл-юртни сайру томошаларга чорлайди. Ана шундай дамларда халқимиз кўнглидаги шодмонликка не етсин!

Айни кунларда юртимизнинг барча жойларида ана шу қутлуғ шодиёнани муносиб кутиб олишга қизғин ҳозирлик кўрилмоқда. Хусусан, асосий тантаналар бўлиб ўтадиган пойтахтимиздаги Алишер Навоий номидаги Миллий боғда сўнгги ҳозирлик ишлари олиб борилаётир. Байрамнинг мазмунли ўтиши учун эса катта ижодий гуруҳ меҳнат қилаяпти.

— Наврўзга бежиз меҳр-оқибат, эзгулик ва яшариш айёми, дея таъриф берилмайди, — дейди тадбирнинг бош режиссёри, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби Рустам Ҳамидов. — У йилнинг энг гўзал фасли — баҳор ойларида нишонлангани учун ҳам қалбларда янгиланиш ва орзу-умидлар жонланади.

Маълумки, бу йил Президентимиз томонидан мамлакатимизда "Баркамол авлод йили" деб эълон қилинди. Агарда муқояса қиладиган бўлсак, баҳор фасли ҳам инсон умрининг энг навқирон, беғубор дамлари ҳисобланади. Шу боис ҳам, бу галги байрам дастуридан ўрин оладиган куй-қўшиқлар, шеърлар, театрлаштирилган томошаларда ёшликка хос ғайрат-шижоат, меҳр-муҳаббат туйғулари қатори бағрикенглик сингари умуминсоний ғоялар кенг тараннум этилади.

Карнай-сурнай, чилдирма, ноғоралар садоси тантанага байрамона руҳ бағишлаб, ҳаммани Наврўз сайлига чорлайди. Миллий боғга кираверишдаги майдонда мавсумий неъматлар — сумалак, ҳалим, кўксомса ва ширинликлар юртдошларимизга улашилади. Халқ ҳунармандчилиги намуналари намойиш этилади.

Наврўз байрамига бағишланган бадиий қисмда юртимизнинг барча етакчи санъат усталари ва жамоалари қатнашиши кўзда тутилган. "Ўзбекистон", "Офарин", "Сабо" рақс дасталари шулар жумласидандир. Бундан ташқари, Ўзбекистон давлат санъат институти, Абдулла Қодирий номидаги маданият институти талабалари ҳамда маданият коллежи ўқувчиларининг чиқишлари ҳам тадбирга ўзгача руҳ бағишлаши кутилмоқда.

(Давоми 2-бетда).

## ТАЛАФОТ ЭҲТИМОЛДАН ХОЛИ ЭМАС

### Тожикистондаги Роғун сув омбори кучли зилзилани келтириб чиқариши мумкин. Кўпгина омиллар шундан дарак беради.

"Мир новостей" газетасининг 2009 йил 18 февраль сонида хабар қилинишича, Хитой ва АҚШлик олимлар 2008 йилда 80 мингдан ортиқ кишининг ҳаётдан кўз юмиши ва дараксиз йўқолишига олиб келган Сичуань ҳудудида юз берган даҳшатли зилзила тўрт йил муқаддам барпо этилган сув омбори туфайли юзага келганлигини кўрсатувчи янги далиллар келтиришган.

Зилзилага тектоник ёриққа босимни оширган 320 миллион тонна сувдан иборат ортиқча оғирлик сабаб бўлган. Тўғон қурилишига 750 миллион доллар сарфланган эди. Эътиборли жиҳати шундаки, тўғон қурилиши эндигина бошланган 2001 йилдаёқ эксперт Ли Юкай Хитой раҳбариятини улар йирик зилзила хавфига етарлича баҳо бермаётганликларидан огоҳлантирган эди.

Инсоннинг техноген фаолияти тектоник ҳаракатларни кучайтирганини ва зилзилага сабаб бўлганига бошқа мисоллар ҳам кўп. Аксарият ҳолларда улар сув омборларида жуда катта миқдордаги сувни тўплаш ёки уни ҳайдаш қудуғига оқизиш билан боғлиқ ҳолда юзага келади. Масалан, Италиядаги (1963 йил, Вайонт), Ҳиндистондаги (1967 йил, Койна) зилзилалар, шунингдек Американинг Денвер штатида оқова сувларнинг ҳайдаш қудуғига жўнатилиши билан боғлиқ ҳолда юзага келган 700 дан ортиқ сезиларли ер ости силкинишлари шулар жумласидан.

Келтирилган маълумотлар сув омборлари қуриш ва улардан фойдаланиш, шубҳасиз, зилзилага олиб келишини ва бунда сув омбори қанчалик йирик бўлса, зилзила юз бериши хавфи ҳам шунча кўп бўлишини кўрсатади.

Тожикистонда қурилаётган Роғун сув омбори йирик сув иншоотлари тоифасига киради. Бу жиҳат қурилиш лойиҳасини тузишда ва сейсмик хавфсизликни аниқлашда етарлича ҳисобга олинмаган. Фақат муқаддам юз берган кучсиз сейсмик ҳодисаларгина инобатга олинган, холос. Шунингдек, Вахш воҳаси бутун ҳудудининг блоклар силжиш қамрови баъзи жойларда 1000 ва ундан кўпроқ метрни ташкил этувчи "ҳаракатдаги" тектоник ёриқлар билан тўлиб-тошиб ётганлиги ҳам эътиборга олинмаган. Бунинг барчаси Роғун ГЭСининг қурилиши тожик халқи учун фожиали оқибатлар олиб келиши мумкинлигини кўрсатади. Нафақат улар, балки қўшни мамлакатлар халқи учун ҳам.

**Баҳодир СИДДИҚОВ,**
**геология-минерология фанлари доктори, «Ўзбекнефтегаз» МХК «Нефть ва газ конлари геологияси ҳамда қидирув институти» ОАЖ бош илмий ходими.**

**МАМЛАКАТ бўйлаб**

**Воқеалар, янгиликлар, хабарлар**

***ТОШКЕНТ. Академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари ўртасида ўтказилган “Энг иқтидорли ёш истеъмолчи — 2010” V республика кўрик-танловининг якуний босқичи ниҳоясига етди.***

### Энг иқтидорлилар аниқланди

Ёш авлоднинг ҳуқуқий билимини ошириш ва истеъмолчи сифатидаги маданиятини юксалтириш мақсадида уюштирилган мазкур тадбирда мамлакатимиздаги 115 та академик лицей ва 1054 та касб-ҳунар коллежида таҳсил олаётган бир миллион нафардан ортиқ ўқувчилар иштирок этди.

Танлов якунига кўра, биринчи ўрин Навоий вилоятидаги Қизилтепа қурилиш ва уй-жой касб-ҳунар коллежи ўқувчиси Муҳриддин Ориповга насиб этди. Шунингдек, яна бир қатор совринли ўринларнинг эгалари аниқланди. Ғолибларга ташкилотчиларнинг қимматбаҳо совғалари топширилди.

**Ю. БЎРОНОВ.**

### «Сиз қонунни биласизми?»

***БУХОРО. “Сиз қонунни биласизми?” республика кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.***

“Камолот” ЁИҲ томонидан ташкил этилган мазкур тадбирда асосий эътибор ёшларнинг ҳуқуқий билим ва саводхонлигини оширишга қаратилди. Танлов якунида Қоракўл тумани иқтисодиёт коллежининг “Қалқон” жамоаси биринчи ўринни қўлга киритди. Когон қишлоқ хўжалик коллежининг “Адолат нури” ҳамда Ғиждувон қурилиш ва коммунал хўжалик коллежининг “Адолат” жамоаларига кейинги ўринлар насиб этди.

**И. ИБРОҲИМОВ.**

### Ташаббус самара берди

***АНДИЖОН. “GM-UZBEKISTAN” қўшма корхонаси вилоятда хотин-қизларни иш билан таъминлашга кўмаклашиш мақсадида 100 миллион сўм маблағ ажратди.***

Вилоят хотин-қизлар қўмитаси ушбу сармоя эвазига 358 дона тикув машинаси сотиб олиб, тадбиркор аёлларга бепул тарқатмоқда.

Эътироф этиш керакки, бу хайрли иш туфайли ўнлаб кичик корхоналарда хотин-қизлар учун қўшимча 400 га яқин янги иш ўринлари яратилади.

**З. АБДУЛЛАЕВА.**

### Изланганга имкон кўп

***ҚАШҚАДАРЁ. Лутфулла Эшбоев раҳбарлик қилаётган “Севинч” корхонаси ўз фаолиятини кенгайтириб, нон маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган технологик линияни ишга туширди.***

Шунингдек, бу ерда савдо дўкони ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчаси ҳам фаолият бошлади. Бунинг учун 400 миллион сўм маблағ сарфланди.

Эътиборлиси, тадбиркор саъй-ҳаракати туфайли 25 та қўшимча иш ўрни яратилди.

**М. ҲАМРОЕВ.**

---

**«SamAvto»:**

# РИВОЖЛАНИШ ЙЎЛИДАГИ ДАДИЛ ОДИМЛАР

***Автомобилсозлик тармоғи иқтисодиёт ривожланишида, аҳоли турмуш фаровонлигининг юксалишида муҳим аҳамиятга эга. Қувонарлиси, бугун юртимиз автомобиль саноати тараққий этган давлатлар сафидан мустаҳкам ўрин эгаллаб бормоқда.***

Дарҳақиқат, мамлакатимизда мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб бевосита Президентимиз раҳнамолигида узоқни кўзлаб изчил амалга оширилаётган ислоҳотлар, хусусан, хорижлик ҳамкорлар билан ўрнатилган тенг манфаатли муносабатлар натижасида автомобилсозлик соҳасида ҳам улкан муваффақиятлар қўлга киритилмоқда. Ҳозирги кунга келиб кўчаларимизни тўлдириб, кўзни қувнатиб, елиб юрган замонавий енгил, юк ва йўловчи ташиш автомобилларининг ўзимизда ишлаб чиқарилаётгани киши кўнглида ғурур ва ифтихор туйғуларини уйғотади. Бундай ютуқларда Самарқанддаги “SamAvto” очиқ акциядорлик жамиятининг ҳам алоҳида ўрни борлигини таъкидлаш жоиз.

Корхонада 2006 йилда “Isuzu” русумли автобус ва юк машиналари ишлаб чиқариш бошланган эди. Дастлабки йилларда корхона томонидан мамлакатимиз нефть-газ, автомобиль йўллари, тоғ-кон саноати эҳтиёжлари учун шатакчи, бортли автомобиллар ва юк кўтаришга мўлжалланган ағдарма машиналар ишлаб чиқариш ўзлаштирилган бўлса, ўтган вақт мобайнида бу ерда олти турдаги автомобилларни тайёрлаш йўлга қўйилди.

Корхона фаолиятида, айниқса, ўтган йил ёрқин из қолдирди, десак, муболаға бўлмайди.

**Ислоҳот**

Негаки, шу йили Самарқанд автомобиль заводи базасида “Ўзавтосаноат” акциядорлик компанияси ва Германиянинг “MAN Nutzfahrzeuge AG” концерни ҳамкорлигида “JV MAN Avto-Uzbekistan” қўшма корхонаси ташкил этилиб, “MAN” юк машиналарини ишлаб чиқаришга киришилди. Мутахассислар “MAN Nutzfahrzeuge AG”дек дунёга машҳур концернннинг Ўзбекистон бозорига кириб келишини республикада машинасозлик соҳаси ривожида навбатдаги босқич бўлди, деб баҳолашмоқда.

Бундан ташқари, “SamAvto”да “Sav Avto LE 60” русумли янги автобуснинг намунаси яратилди. Замонавий дизайн ва ишончлилик талабларига тўлиқ жавоб берадиган мазкур автобусни лойиҳалаштиришда хавфсизлик қоидаларига алоҳида эътибор қаратилган. Унда “ABC”, “ASR”, “ECAS” тормоз тизимлари мавжуд бўлиб, 60 йўловчига мўлжалланган автобуснинг узунлиги 7,9 метр, оғирлиги 9,8 тоннани ташкил этади. Салонининг шинамлиги, ўриндиқларининг юмшоқлиги, айниқса, йўловчиларга қулайлик яратади. Яна бир эътиборли жиҳати, йўловчиларнинг чиқиб-тушишларини осонлаштирадиган “Kneeling” тизими ўрнатилган. Автобуснинг ўзи эса капитал таъмирсиз камида 1 миллион километр масофани босиб ўтиш имкониятига эга.

Албатта, корхонада бундай янгиликларнинг изчил жорий этилаётгани унинг ривожланиш йўлидан шахдам одимлаётганидан далолат беради. Натижада “SamAvto”да ишлаб чиқарилаётган замонавий автобус ва юк машиналарига бўлган буюртмалар сони йилдан-йилга ортиб боряпти. Бу эса, ўз навбатида, мамлакатимиз иқтисодиётининг янада юксалишига хизмат қилмоқда.

**Абдурасул САТТОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

---

(Давоми. Боши 1-бетда).

“Ўзбекенгилсаноат” давлат акциядорлик компанияси ҳамда “KITECH” — Корея саноат технологиялари институти ҳамкорлигида “Корея — Ўзбекистон тўқимачилик кооперацияси” семинари шу мақсадда ташкил этилган тадбирлардан биридир.

**Енгил саноат:**

## ЎЗАРО АЛОҚАЛАР МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

Семинар давомида кореялик мутахассислар ўзбекистонлик ҳамкасблари, шунингдек, олий ўқув юрти талабаларига жаҳон тўқимачилик саноатидаги янгиликлар хусусида маълумотлар бериш баробарида, ўз тажрибалари билан ўртоқлашдилар.

— Мамлакатларимиз ўртасида иқтисодиёт, хусусан, тўқимачилик соҳасида алоқалар жуда яхши йўлга қўйилган, — дейди кореялик мутахассис Пак Ки Хонг. — Мазкур тадбир давомида биз нафақат ўз ишларимизни намойиш этаяпмиз, балки ўзбекистонлик ҳамкасбларимиз тажрибасини ҳам ўрганаяпмиз. Ўйлайманки, бундай ҳамкорлик ўз самарасини беради.

**Дилшод УЛУҒМУРОДОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

---

## ЎЗБЕКИСТОН ҚАҲРАМОНИ ҲАМЗА МАҲКАМОВ



Ўзбекистон темир йўллари тизими оғир жудоликка учради. Шафқатсиз ўлим Ўзбекистон Қаҳрамони, “Ўзбекистон темир йўллари” давлат акциядорлик компаниясига қарашли 166-темир йўл машина бекати машинисти Ҳамза Ҳаитович Маҳкамовни 51 ёшида орамиздан олиб кетди.

Ҳамза Маҳкамов 1959 йилда Сурхондарё вилоятида туғилди. У ўз меҳнат фаолиятини 1977 йилда Денов пахта тозалаш заводида ҳайдовчиликдан бошлади. Сўнгра шу тумандаги автокорхонада чилангар бўлиб ишлади. Ўзбекистон темир йўллари тизимидаги иш фаолиятини 1982 йилда 166-темир йўл машина бекати корхонасида машинист ёрдамчиси вазифасидан бошлаб, 1987 йилдан умрининг охирига қадар ушбу темир йўл қуриш корхонаси машинисти сифатида меҳнат қилди.

Ўз касбининг ҳақиқий устаси, малакали мутахассис Ҳ. Маҳкамов “Тошгузар — Бойсун — Қумқўрғон” темир йўл қурилишида фаол иштирок этиб, берилган барча топшириқларни самарали, юқори сифат билан адо этишда юксак натижаларга эришди ва ушбу йирик иншоотнинг ўз вақтида фойдаланишга топширилишида фидойилик намунасини кўрсатди.

Ҳ. Маҳкамов меҳнат фаолияти давомида орттирган бой билим ва тажрибасини ўнлаб ёшларга ўргатиб, темир йўл қурилиши соҳасининг кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлашга ўз ҳиссасини қўшди. Сурхондарё вилоятининг ижтимоий ҳаётида, жамоат ишларида ҳам фаол иштирок этиб, эл-юрт ўртасида ҳурмат ва эътиборга сазовор бўлди.

Ҳ. Маҳкамовнинг фидокорона меҳнатлари давлатимиз томонидан муносиб баҳоланиб, у 2007 йили “Ўзбекистон Қаҳрамони” юксак унвони билан тақдирланган эди.

Моҳир темир йўл қурувчиси, меҳнаткаш ва камтарин инсон Ҳ. Маҳкамовнинг ёрқин хотираси қалбларимизда доимо сақланиб қолади.

**И. КАРИМОВ, И. СОБИРОВ, Д. ТОШМУҲАМЕДОВА, Ш. МИРЗИЁЕВ, Б. ХЎЖАЕВ, А. РАМАТОВ**

---

**Энергетика:**

# ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАР МАЙДОНИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Унинг очилиш маросимида таъкидланганидек, Президентимиз раҳнамолигида тизимни техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш ҳамда модернизация қилиш жадал олиб борилаётгани муваффақиятлар омили бўлаётир. Гап шундаки, “Ўзбекэнерго” давлат акциядорлик компаниясида замонавий технологияларни жорий этиш орқали сарф-харажатларни камайтириш, энг муҳими, маҳсулот таннархини пасайтиришга эришилмоқда.

“UzEnergyExpo — 2010” кўргазмаси ушбу йўналишдаги ишларни янада жадаллаштиришга хизмат қилади. Чунки бу ерда маҳаллий ва хорижий компанияларнинг ўз маҳсулотлари ва хизматларини тақдим этиш, ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш учун барча шарт-шароитлар яратилган.

— Биз кўргазмада юқори кучланишли трансформаторлар, кичик станция мажмуалари ва турли электр жиҳозларимиз билан иштирок этаяпмиз, — дейди “Elus” илмий-ишлаб чиқариш корхонасининг бош директори Қуранбой Бекчанов. — Уларнинг аксарияти импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар бўлгани боис иштирокчиларнинг қизиқиши катта. Кўплаб буюртмалар олганимиз бунга мисолдир.

Кўргазмада энергетика ва электр энергияси ускуналари учта — “Энергетика”, “Соф энергия, энергия тежамкорлиги” ҳамда “Электротехника” йўналишлари бўйича намойиш этилмоқда. Айниқса, муқобил энергия манбалари ҳосил қилиш ускуналари кўргазмага келганларнинг эътиборини жалб этмоқда.

Муқобил энергиянинг шамол, денгиз тўлқинлари, биомасса, қуёш энергияси сингари турлари маълум. Юртимиз олимлари нинг хулосаларига кўра, улар орасида қуёш энергияси биз учун энг қулайи ҳисобланади. Нега деганда, республикамизда йилнинг тахминан 300 куни қуёшли бўлади. Шуни ҳисобга олиб, “Mir Solar” масъулияти чекланган жамияти томонидан қуёш энергиясидан фойдаланиб, электр ва иссиқлик энергияси ҳосил қиладиган мосламалар таклиф этилаяпти.



— Корхонамизда яратилган ускуналарнинг афзал жиҳатлари кўп, — дейди мазкур жамият раҳбари Акром Мирзабоев. — Масалан, мана бу “KFS-50” русумли ускунани олайлик. Уни янги жойга олиб бориб ўрнатиш жуда қулай. Шу жиҳатдан фермерларимизга маъқул келаяпти. Улар мазкур муқобил энергия станциясини дала шийпонларига, чўпонлар ўтовига ўрнатиб, ўзларига қулай шароит яратишмоқда. “SUV-10” русумли ускунамиз эса кунига 500 литр сувни иситиб беради. Захирада ҳатто 100 литр сувни сақлаш имконияти мавжуд.



Корхонанинг ана шу маҳсулотларига бўлган талаб йил сайин ошиб бормоқда. Ўтган йили 50 та муқобил электр станцияси ишлаб чиқарилган бўлса, жорий йилда бу кўрсаткични 400 тага етказиш кўзда тутилаяпти.

Таъкидлаш керакки, бу галги кўргазма доирасида илк бор “Махсус техника. Машинасозлик ва металлни қайта ишлаш” саноат лойиҳаси тақдим этилмоқда. Шу боис кўргазманинг бир қисми ушбу соҳалардаги янгиликлар акс эттирилган экспонатлар, замонавий машина ва саноат моллари билан банд. Бундан кўзланган мақсад тармоқлараро кооперация алоқаларини янада кенгайтиришдан иборатдир.

Халқаро кўргазма 18 мартгача фаолият кўрсатади.

**Саид РАҲМОНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

**СУРАТЛАРДА:** кўргазмадан лавҳалар.

**Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.**

---

**Дастур ижроси — амалда**

***Сифати жиҳатидан хорижники билан рақобатлаша оладиган қоғоз ишлаб чиқариш ҳаракати Наманганда ўн йил муқаддам бошланган эди. Бироқ баъзи сабабларга кўра, корхона банкротликка учрагач, қимматбаҳо технологик линияларнинг узоқ вақт бўш туришига тўғри келди. Ниҳоят, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг молиявий кўмаги туфайли бу ерда ишлаб чиқариш қувватлари қайтадан ишга туширилди.***

# НАМАНГАННИНГ ЁЗУВ ҚОҒОЗИ

Ишлаб чиқаришни тиклаш, табиийки, осон кечмади. Деярли яроқсиз ҳолга келиб қолган технологик ускуналар янгиланди, электр двигателларининг аксарият қисми алмаштирилди, иккита трансформатор ва компрессор станцияси таъмирдан чиқарилди, хом ашё — ёғоч целлюлозаси таъминоти ҳал этилди.

— Бу ишларни амалга ошириш учун Миллий банк томонидан 1 миллиард 221 миллион сўм миқдорида сармоя киритилди, — дейди “Наманган қоғози” МЧЖ раҳбари Юнус Содиқов. — Қувонарлиси, дастгоҳларни таъмирдан чиқариш ва созлашни ўзимизнинг мутахассислар уддалашди. Улар хорижликлар билан ишлаш чоғида анча тажриба орттиришган эди-да.

Бозорда “Наманган қоғози” тамғаси билан бундай маҳсулот пайдо бўлганига тўрт ойдан ошди. Ўтган даврда 88 кишидан иборат меҳнат жамоаси янги қувватларни ўзлаштириш борасида жадал иш олиб бориб, январь-февраль ойларида 151 тонна қоғоз ишлаб чиқаришга эришди. Яқин кунларда бу кўрсаткич ойига икки юз тоннадан зиёдни ташкил этади. Гап шундаки, 4000 тонна хом ашё келтириш юзасидан шартнома тузилган. Шу билан бирга, “Ўзмиллийбанк” корхонани модернизациялаш учун яна 500 минг АҚШ доллари миқдорида сармоя ажратмоқда. Техник ва технологик янгиланиш жараёнида қўшимча целлюлоза тегирмонлари, машина каландри (махсус қоғоз дазмоли), кесиш ва қадоқлашга мўлжалланган автоматик линия, ўқувчилар дафтари тайёрлаш ускуналари ўрнатиш режалаштирилган. Шунингдек, маҳаллий хом ашёдан фойдаланиш бўйича изланишлар ҳам бошлаб юборилди. Чунончи, Ўзбекистон Фанлар академиясининг Полимерлар кимёси ва физикаси институти олимлари билан тўқимачилик корхоналарининг пахта толаси чиқиндиларидан олинадиган целлюлозадан фойдаланиш юзасидан ўрнатилаётган ҳамкорлик натижаларидан умид катта.

Маълумотларга қараганда, мамлакатимизнинг қоғозга бўлган йиллик эҳтиёжи 80 минг тоннани ташкил этса, Марказий Осиёда мазкур кўрсаткич 350 минг тоннага етади. Кўриниб турибдики, бу маҳсулотга талаб катта. Наманган қоғозига қўшни давлатларда ҳам қизиқиш билдирилаётгани, айниқса, диққатга сазовордир. Чунки бу, ўз навбатида, корхонанинг экспорт салоҳиятини ошириш имконини беради.

**Қудратилла НАЖМИДДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

---

# НАВРЎЗ ШОДИЁНАЛАРИ

## пойтахтимиздаги Алишер Навоий номли Ўзбекистон миллий боғида бўлиб ўтади

(Давоми. Боши 1-бетда).

Албатта, байрам болалар билан файзли. Шу боис дастурда Миллий рақс ва хореография олий мактаби ўқувчилари, шунингдек, “Томоша”, “Булбулча”, “Наврўз”, “Юлдуз” сингари болалар гуруҳларига алоҳида ўрин ажратилган. Улар ижросида ўлкамизга баҳорнинг кириб келиши, табиатнинг уйғониши сингари манзаралар “жонланади”.

Концерт дастуридан вилоятлардаги бадиий жамоаларнинг чиқишлари ҳам ўрин олган. Фольклор йўналишидаги куй-қўшиқ, рақслар, лапар ва айтишувлар, айниқса, миллий қадриятларимизнинг моҳиятини очиб беришга қаратилганлиги эътиборга молик. Шунингдек, тадбирда эл севган санъаткорлар, “Ниҳол” мукофоти совриндорлари юртга муҳаббат, баҳор таровати ҳақидаги тароналарни куйлашади.

Эътиборли жиҳати, байрам тадбири сунъий йўлдош тизими орқали дунёнинг бир неча мамлакатига тўғридан-тўғри узатилади. Қисқаси, байрам дастури ижодкорлари ана шу мақсадларни амалга ошириш ниятида бугун бир тану бир жон бўлиб меҳнат қилишмоқда.

Наврўз куни юртимизнинг барча ҳудудларида байрам шодиёналари катта тантана билан ўтказилади. Хусусан, Тошкент шаҳридаги 15 та катта майдон ва маданият-истироҳат боғларида 17 та саҳна қурилади. Шу куни ташкил этиладиган сайилда юртдошларимиз ва меҳмонлар нафақат бадиий дастурларни томоша қилишлари, балки миллий халқ ўйинларидан иборат мусобақаларнинг иштирокчилари бўлишлари ҳам мумкин.

**Омонулла ФАЙЗИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

---

**Қашқадарё вилояти:**

# КЕЛАЖАГИМИЗНИНГ БАХТЛИ ВОРИСЛАРИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Боғчада машғулотларга жалб қилинган болаларнинг хатти-ҳаракатларини кузатдик. Тарбиячилар Нилуфар Ёдгорова, Холида Болтаева ва Гулондон Пирматова гўдакларнинг соғлиғи, вақтида овқатланиши, спорт билан шуғулланиши, ўқишни ўрганиши, тафаккури бойиши учун ҳаракат қилмоқдалар. Табиийки, болаларимиз онгу шуурига миллий урф-одатларни, қадриятларни сингдириш ҳам жуда муҳимдир. Чунки ёшликда олинган билим тошга битилган нақшдек мустаҳкам бўлади. Шу маънода, ёшлар билан ҳамир қориш, нон ясаш, патирларга безак бериш каби машғулотлар ўтказилаяпти. Уларнинг ўзлари тандирга кулча ёпиб, пиширганидаги қувончини кўрсангиз эди.

Мафтуна исмли жажжигина қизалоқ билан суҳбатлашганимизда, у ёзишни, расм чизишни ўрганганини айтиб қолди. Кейин қўлидаги қоғозчага қуёшнинг расмини чизиб кўрсатди. Сўнгра “Она”, “Ватан” деган сўзларни меҳр билан ёзди. Демак, келажагимиз ворислари қалбида Ватан туйғуси шаклланаяпти, юртга меҳр-муҳаббат жўш ураяпти. Бу эса юртимиз эртаси ишончли қўлларда эканлигидан далолат беради.

**Фахриддин БОЗОРОВ.**

---

# «ТОЗА СУВ — СОҒЛОМ ДУНЁ УЧУН»

***Маълумотларга қараганда, бир кишининг кундалик эҳтиёжи учун 50 литр сув керак бўлар экан. Бироқ оби-ҳаётдан фойдаланишда исрофгарчиликларга йўл қўйилаётгани боис бугунги кунда ичимлик суви муаммоси глобал тус олгани сир эмас. Шунга қарамай, чучук сув захираларининг катта қисми ҳамон қишлоқ хўжалиги соҳасида ишлатилаётгани, айниқса, ташвишланарлидир.***

**Анжуман**

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти жаҳон жамоатчилиги эътиборини мазкур муаммога қаратиш, сув ресурсларидан тежаб-тергаб фойдаланишга чақириш мақсадида 1992 йилда 22 мартни “Бутунжаҳон сув куни” сифатида нишонлаш тўғрисида қарор қабул қилган эди. Жорий йилда мазкур сана “Тоза сув — соғлом дунё учун” шиори остида нишонланмоқда.

Кеча пойтахтимизда Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ташаббуси билан ташкил этилган матбуот анжумани шу масалага бағишланди. Унда тегишли идора ва вазирликлар мутахассислари, маҳаллий ва хорижий ташкилотлар вакиллари, шунингдек, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Тадбирда таъкидландики, мамлакатимизда сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, уларнинг ифлосланиши ва исроф бўлишининг олдини олиш бўйича тегишли ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар қабул қилинган. Бу ҳужжатларнинг ижросини таъминлаш юзасидан эса муайян чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Ҳавзалар ва дарёлар сувини муҳофаза қилиш минтақаларидан экологик хавфли объектларни чиқариш ишлари шулар жумласидандир. Шу мақсадда бугунга қадар 6 та дарё бўйидаги 140 та объект бошқа жойларга кўчирилди. Бу борадаги тадбирлар жорий йилда ҳам давом эттирилиб, йил охиригача 21 шундай объект сувни муҳофаза қилиш минтақасидан чиқарилади.

Анжуманда мамлакатимиздаги 8 та дарё, 11 ер ости сувлари ҳосил бўладиган ҳудудда олиб борилаётган ана шу ишлар хусусида батафсил сўз юритилди.

Журналистларни қизиқтирган саволларга мутахассислар томонидан атрофлича жавоб қайтарилди.

**Р. САИДОВ.**

# ЎЗ-ТЕКСАКО

**МОЙЛАШ МАТЕРИАЛЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИ ЎЗБЕКИСТОН — АМЕРИКА ҚЎШМА КОРХОНАСИ ЖАМОАСИ**

**кўп миллатли Ўзбекистон халқини гўзаллик ва нафосат байрами — Наврўзи олам билан самимий табриклайди!**

*Барчага соғлиқ, фаровонлик, шоду хуррамлик тилайди.*

*Гўзал юртимизда доимо тинчлик ва осойишталик ҳукм сурсин!*

*Хонадонингизни меҳр-муҳаббат ҳамда тўкин-сочинлик тарк этмасин!*




Тел.: 8 (371) 120-67-76, 244-01-23. www.uztexaco.com

---

kdb Korea Development Bank

# UzKDB Bank

*Ўзбекистон халқини, мижозлари, ҳамкорлари ва ҳамкасбларини баҳор байрами —*

## *Наврўз*

*билан чин дилдан табриклайди!*

*Барчага тинчлик-хотиржамлик, сиҳат-саломатлик, бахт-саодат, ҳар бир оилага фаровон ҳаёт, бунёдкорлик ишларида муваффақиятлар тилайди.*

---

## *«Қурилиш-лизинг» лизинг компанияси*

*жамоаси барча юртдошларимизни, ҳамкорларини ҳамда мижозларини яшариш ва янгиланиш айёми —*

## *Наврўзи олам*

*билан самимий муборакбод этади!*

*Барчага мустаҳкам соғлиқ, узоқ умр, бахт-саодат, мамлакатимиз тараққиёти йўлидаги яратувчанлик ишларида улкан зафарлар тилайди!*

**Биз билан ҳамкорлик муваффақиятингиз кафолатидир.**

**Маҳалламизда Баҳринисо ая деган онахон бор. Ўзиям тўққизта келиннинг қайнонаси, тўртта куёвнинг дурдонаси. Баъзан эрта наҳор сафар тадориги ёки зарур ишлар баҳонасида ая истиқомат қиладиган уй ёнидан ўтиб қоламан. Шунда у ердаги саришталикни кўриб, қалбим қувончга тўлади, кайфиятим кўтарилади.**

# САРИШТАЛИ УЙНИНГ ФАРИШТАСИ БОР

Туйғу

Кенжа келин, унинг бўйи етиб қолган зебою зукко қизлари, аянинг ўзи ҳовли ташқарисидаги йўл бошини супуриб-сидириб, сувни шакароблаб сепиб, чиннидай қилиб қўйишади. Боз устига, уларнинг эҳтиром билан берган саломлари, аянинг йўл-йўлакай ҳол-аҳвол сўрашгандан кейин берадиган дуоси кишига қувват бағишлайди.

— Одамларимиз яхши, кўнгли яхши, нияти яхши, — дейди кўпни кўрган отахонлардан бири. — Нимаики қилса юракдан қилади. То келин туширмаса, кўнгли тинчимайди, то бир кўчат экмаса, ўзидан ранжийди.

Ҳақиқатан ҳам, шундай. Куни кеча умумхалқ хайрия ҳашари куни пойтахтимизнинг "Дўмбиробод" маҳалласига бориб қолдим. Бир қария ўнтами-ўн бештами неварасига бош-қош бўлиб, кўчат эктираяпти. Ҳар бирини шошириб, "ҳа бўл, ҳа бўл" деб оғзи тинмайди. Гапиям қизиқ, ўзиям қизиқ. Шу денг, ўтиб кетаётсам, невараларидан бирига уқтираётган гапи қулоғимга кириб қолди: "Ҳу, Мирсоли, сен эккан дарахт бамисоли келиндай. Яхшилаб эк, вақти келиб қаддини ростласа, сенга салом беради". Шунда ногаҳон анча йиллардан бери Сирдарё вилоятида урф бўлиб келаётган анъана ёдимга тушади. Ҳар бир бола биринчи синфга борганда бир нечта туп кўчат экади, битиргунча бу дарахтлар унинг дўсти саналади. Ундан кейин ҳам бу дарахтлар уники бўлиб қолаверади. Тошкентда эса дарахт бамисли келин, табиат келини...

Бир ибора бор: "Тиниб-тинчимаган одамлар-ей, нималарни ўйлаб топишмайди-я..." деган. Эсладингиз-а? Уйга кириб борсам, кенжа ўғлим жилмайиб турибди. "Бугун чақмоқдай чақнаб турибсиз", дедим унга. У дабдурустдан "Мен юртимни обод қилдим" дея жавоб берди. Лол қолдим. У гердайиб, "Акцияда қатнашдим. Тушлик пулларимдан тежаб Қўйлиқдан шафтоли кўчатини сотиб олдим. Мактабимиз боғига экиб келдим", деди ғурур билан. Кейин билсам, ўғлимнинг тенгдошлари юртни обод қилиш бўйича ўзларича тадбир ўйлаб топишибди. Мақсад юртимизни гулу гулзорга, жаннатга айлантириш экан. Пешонасидан ўпдим, "мақтанчоқ" ўғлимнинг кўнглидаги пок ниятга ҳасанотлар айтдим.

Шунда катта ўғлим беш-олтита кўчат кўтариб кириб қолди.

— Дада, бугун ҳашарга чиқдим, маҳалладаги зовурни тозалашда ёрдамлашдим. Бизам кўчага дарахт экиб қўйсак, ёмон бўлмасди, — деди у.

Қизим, келиним, рафиқам ҳовлида куймаланиб юришганига кўзим тушади. Завқланаман. Ҳамма жой топ-тоза-ю, буларнинг кўнгли тўлмайди. Ўйланиб қоламан. Рафиқам фикримни уққандай сўз қотади:

— Дадаси, бизлар сал имиллаб қолдик. Баҳринисо ая кенжа келини, неваралари билан кўчани ҳаммадан олдин супуриб-сидириб, қўшни маҳалладаги "Меҳрибонлик уйи"га ҳашарга кетибди.

Чақчақлашиб оиламиз билан кўчага чиқамиз, бошқа куни чироқ ёқиб топиб бўлмайдиган таниш-билишларни кўриб, астойдил қувонаман. Ҳаммаси иш билан банд: кимдир дарвозасини ювааяпти, кимдир антиқа гул кўчатларини экаяпти, қай бири кўчамизга ёнбош ерни белкурак билан чопаяпти. Бизам қош қорайгунча ўзимизнинг кўчатларимизни экамиз, ариқ тозалаймиз, хуллас, кўпчиликка келган туйға ҳиссамизни қўшамиз.

Кечқурун ниҳоятда лаззатли ва ширин паловхонтўра дастурхонга тортилади. Аслида бизнинг уйга тўрт-беш қўшниникидан ранг-баранг таомлардан тавозе билан олиб чиқиладики, қай бирини олдин тановул қилишни билмай қоласан. Нимагадир Баҳринисо аянинг хонадонидан чиққан паловга ҳавасим келади. Шу пайт ўғлим келинга шивирлаб қолади: "Сизам қўшниларга ош чиқардингизми?" Келин бош ирғайди. Энди қўл узатганимни биламан, кичкина ўғлим меҳмонхонадан қийқириб юборади: "Мени кўрсатишди, телевизордан..." Ҳаммамиз югурамиз. Афсуски, улгурмаймиз. Лекин "Ахборот"дан вилоятлардан тайёрланган лавҳаларни мириқиб томоша қиламиз. Эҳ-е, миллионлаб мевали дарахтлар, гул кўчатлари экилибди бир кунда. Қойил.

Кенжа ўғлим яна гап қўшади: "Президентимиз нима деганлар, биласизларми, ободлик кўнгилдан бошланади. Мана, бизаям обод бўлдик. Шунақа".

Илоё, кўнглимиз ободлиги абадий бўлсин. Тилингга шакар, болам. Бугун мамлакатимизда барчанинг кайфияти кўтаринки. Чунки бу ёғига Наврўз яқин. Насиб этса, дошқозонларда халиса, ҳалим, сумалаклар қайнайди, базмлар, ўйин-кулгилар бошланиб кетади. Муҳими, ҳаммаёқни саришталаб қўйдик, энди Наврўз файзли-шукуҳли ўтиши тайин. Ва, албатта, бундан кейин ҳам ҳаётимиз янада фаровон, дастурхонимиз тўкин, ризқимиз мўл бўлади. Яна нима десак экан? Лўндасини айтганда, дили пок, нияти тоза одамлармиз. Ишқилиб, ҳамма ҳавас қиладиган бахту иқболимизга кўз тегмасин.

**Абдували ҚУТБИДДИНОВ.**

Санъат

## КИНОИЖОДКОРЛАР АНЖУМАНИ

***Пойтахтимиздаги Киночилар уйида ўзбек киносининг истиқболи ва муаммоларига бағишланган анжуман бўлиб ўтди.***

"Ўзбеккино" миллий агентлиги ва Ўзбекистон Киноарбоблари бирлашмаси ҳамкорлигида ўтказилган ушбу тадбирда киношунос ҳамда санъатшунос олимлар, соҳада ижод қилаётган мутахассислар ва оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Йиғилишда таъкидланганидек, сўнгги йилларда юртимиз кино саноати ривожи йўлида изланишлар, тажрибалар ва янгидан-янги ижодий режаларни амалга оширишга интилиш жараёни кечмоқда. Айниқса, соҳада самарали ижод қилишга астойдил интилаётган ёш режиссёрлар сафи тобора кенгайиб бораётганлиги, улар яратган фильмлар жаҳон миқёсидаги нуфузли кинофестивалларда муваффақиятли намойиш этилаётгани қувонарлидир. Биргина ўтган йил мисолида олиб қаралса, Ёлқин Тўйчиев, Акбар Бектурдиев, Азиз Муҳаммедов, Дмитрий Власов сингари ёш ижодкорларнинг бадиий ва мультипликацион фильмлари МДҲ мамлакатлари ҳамда хориждаги қатор фестивалларда намойиш этилиб, эътирофга сазовор бўлди. Ўз навбатида, эришилган ютуқлар билан бир қаторда муаммо ва камчиликлар ҳам мавжуд. Хусусан, умуминсоний ғоялар, миллий қадриятлар ва бугунги ижтимоий ҳаёт манзаралари акс эттирилган фильмларнинг бадиий савиясини юксалтиришга жиддий эътибор қаратиш лозим. Анжуманда сўзга чиққанлар бу борада аниқ мисоллар асосида танқидий-таҳлилий фикрлар айтишди.

**М. ОХУНОВА.**




**Табиатни муҳофаза қилиш қонунчилигига мувофиқ, 2010 йилги балиқлар урчиш даврида саноат мақсадида балиқ овлаш:**

Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятлари сув ҳавзаларида **1 апрелдан 15 майгача**;

Бухоро, Навоий, Самарқанд ва Жиззах вилоятлари сув ҳавзаларида **10 апрелдан 25 майгача**;

Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти сув ҳавзаларида **25 апрелдан 10 июнгача**;

бошқа барча сув ҳавзаларида **16 апрелдан 31 майгача**;

Амударё ва Сирдарё ҳавзаларида **йил давомида тақиқланган**.

*Балиқлар урчиш даврида моторли қайиқларда сузишга фақат ҳайвонот ва ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш давлат инспекторлари учун рухсат берилади, ов хўжаликлари егерлари хизматига эса табиатни муҳофаза қилиш органлари рухсатномалари керак бўлади.*

*Балиқлар урчиш даврида спорт ва ҳаваскорлик тарзда балиқ овлашга қармоқлар сони 5 донадан ошиб кетмаслик шарти билан рухсат этилади.*



197R/281

***Давлат бионазорати.***

**«МЕҲРЛИ САВДО» ШЎЪБА КОРХОНАСИ**
**2010 йилнинг II чорагида қуйидагиларни сотиб олиш бўйича тендер ўтказилишини эълон қилади:**
**САРИЁҒ, 1-КАТЕГОРИЯЛИ МУЗЛАТИЛГАН МОЛ ГЎШТИ.**

**Тендер таклифларини топшириш ва тендер ҳужжатларини олиш учун ҳар куни соат 9.00 дан 17.00 гача қуйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин:**

100000, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Ниёзбек йўли 7-тор кўчаси, 27-уй.
Телефонлар: (8-371) 237-14-94, 237-45-15. Факс: 237-14-92.

**Тендер таклифларини қабул қилишнинг сўнгги муддати — 2010 йил 29 март соат 17.00 гача.**

195A/287

**O'ZSANOATQURILISHBANK**

**ПРОМО-АКЦИЯ !**

**ФАҚАТ 15 МАРТДАН 15 АПРЕЛГАЧА «ЎЗСАНОАТҚУРИЛИШБАНК»ДАН УНУТИЛМАС БАҲОРИЙ СОВҒАЛАР!**

«Ўзсаноатқурилишбанк» VISA **пластик карточкаларидан фойдаланинг ва** 2010 йилги футбол бўйича жаҳон чемпионатига **йўлланмани ютиб олинг!**




Акция шартлари:

- «Ўзсаноатқурилишбанк»нинг VISA карточкалари эгалари ҳамда акция мобайнида пластик карточка очтирган барча юртдошларимиз промо-акция иштирокчилари ҳисобланишади.
- Бош мукофот — 2010 йилги футбол бўйича жаҳон чемпионатига йўлланма учун ўйинда 250 000 сўмдан кам бўлмаган миқдорда 10 та транзакцияни амалга оширган жисмоний шахслар қатнашишлари мумкин.
- Қолган совринлар эса 200 000 сўмдан кам бўлмаган миқдорда 5 та транзакцияни амалга оширган жисмоний шахслар ўртасида ўйналади.

**Шунингдек, Сиз қуйидаги СОВРИНЛАРГА эга бўлишингиз мумкин!**



Қўшимча маълумотларни www.uzpsb.uz сайтидан ва (8-371) 120-45-42 телефони орқали олишингиз мумкин.

VISA WORLDWIDE PARTNER

O'ZBEKISTON SAVDO-SANOAT PALATASI

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ САВДО-САНОАТ ПАЛАТАСИ**

*жамоаси меҳнаткаш халқимиз ҳамда барча ҳамкор ва тадбиркорларни қадимий ва навқирон байрам —*

**НАВРЎЗИ ОЛАМ**

*билан самимий муборакбод этади!*

*Янгиланиш ва яшариш фасли қалбимизга илиқлик, оилавий бахт-саодат, ҳаётимизга янгидан-янги муваффақиятлар олиб келсин.*

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИ**

**компьютер техникаси етказиб бериш бўйича**

**ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.**

**Танлов ўтказиш тартиби ҳақидаги маълумотни ва танлов ҳужжатлари тўпламини қуйидаги манзилдан олиш мумкин: Тошкент шаҳри, Абдулла Қодирий кўчаси, 13-«А» уй.**

**Тел.: (8-371) 244-97-14, 244-97-66, 244-97-44.**
**Ички телефонлар: 714, 744, 766.**
**Факс: (8-371) 244-22-96.**

**Танлов таклифлари эълон чоп этилгандан бошлаб 10 кун давомида соат 9.00 дан 18.00 гача қабул қилинади.**

210R/311


## ОБ-ҲАВО (17 март)

**Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти.** Ҳаво ўзгариб туради, айрим жойларда қисқа муддатли ёмғир ёғади. Тунда 5-10, кундузи 7-12 даража илиқ бўлади.

**Бухоро ва Навоий вилоятлари.** Ёмғир ёғиб, момақалдироқ бўлиши мумкин. Ҳарорат кечаси 10-15, кундузи 18-23 даража иссиқ бўлади. Навоий вилоятининг шимолий қисмида эса тунда 5-10, кундузи 7-12 даража илиқ бўлади.

**Самарқанд, Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятлари.** Ҳаво ўзгариб туради, баъзи ҳудудларда ёмғир ёғади. Тунда 8-13 даража илиқ, кундузи 20-25 даража иссиқ бўлади.

**Тошкент вилояти.** Қисқа муддатли ёмғир ёғиши кутилмоқда. Ҳарорат кечаси 8-13 даража илиқ, кундузи 20-25 даража иссиқ бўлади.

**Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари.** Ҳаво ўзгариб туради, айрим жойларда ёмғир ёғади. Тунда 11-16 даража илиқ, кундузи 23-28 даража иссиқ бўлади.

**Андижон, Наманган ҳамда Фарғона вилоятлари.** Баъзи ҳудудларда қисқа муддатли ёмғир ёғади. Тунда 7-12 даража илиқ, кундузи 20-25 даража иссиқ бўлади.

**Тошкент шаҳри.** Ҳаво ўзгариб туради, куннинг иккинчи ярмида ёмғир ёғиб, момақалдироқ бўлиши кутилмоқда. Ҳарорат тунда 11-13 даража илиқ, кундузи 21-23 даража иссиқ бўлади.

**«Ўзгидромет» маълумотлари асосида тайёрланди.**

Тошкент давлат шарқшунослик институти жамоаси Хорижий Шарқ мамлакатлари адабиёти кафедраси ўқитувчиси Наргиза Саидовага падари бузруквори

**Маҳмуд УМАРОВнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.


Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 203. 64025 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона 233-52-55;*
*Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.*

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Ж. Тоғаев ва М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

t -Тижорат материали

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — И. Ўтбосаров.
Навбатчи — Ф. Абилов.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 20.45 Топширилди — 22.40 1 2 3 5